

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 19-fevral, payshanba

№ 8 (9380)

t.me/Qishloqhayoti\_gazetasi



## “Долзарб 40 кунлик”:

### БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ МАЙДОНЛАРИДА ФИТОМОНИТОРИНГ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Республика ҳудудларида қузатилаётган нам ва илиқ об-ҳаво туфайли бошоқли дон экинлари майдонларида занг касаллигининг кескин кўпайиши хавфини инобатга олган ҳолда агентлик тизимида 2026 йил 16 февралдан 28 мартгача “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

Асосий чора-тадбирлар ғалла майдонларида олиб борилади. Бунда сариқ занг, қўнғир занг ва бошқа касалликлар, бегона ўтлар, зарарли хасва, шилимшиқ қўрт, шира, трипс ва бошқа зараркунандалар тарқалишининг олди олиниб, зарарли организмлар аниқланган майдонларда зарурий кураш чоралари ўтказилади. “Бугунги касалликлар, бегона ўтлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллари” бўйича ишлаб чиқилган махсус тавсияно-

ма агрокластер, фермер хўжалик-лари ва ғалла етиштирувчиларга етказилади.

“Долзарб 40 кунлик” давоми-да ғалла майдонларида тизимли кузатув ташкил этилиб, экинлар-ни ҳимоя қилиш тадбирларининг ўз вақтида бажарилиши бўйича фитосанитар назорат кучайти-рилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ахборот хизмати

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАР БИЛАН

Менга Жанубий Кореяга сафар қилиш ва унинг халқ ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти насиб этди. Бу сафар мен учун нафақат янгиликлар ва таассуротларга бой бўлди, балки маданий жиҳатдан ҳам жуда қизиқарли ўтди. Сафарим Инчхон халқаро аэропортидан бошланди. Бу ҳаво дарвозаси жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, қулай ва замонавий инфратузилмаси билан мени ҳайратга солди. Ҳар бир йўловчига катта эътибор қаратилиши, кўчаларнинг тозалиги ва хизмат даражасининг юқорилиги сафаримнинг илк таассуротларидан бири бўлди.

### Сеул – юксак техник тараққиёт ва маданият шаҳри

Сеул шаҳрига етиб келгач, бу ердаги замонавий иншоотлар, тезюрар метро тизими, сарбанд бинолар ва юксак технологиялар мени жуда қизиқтирди. Шаҳардаги ҳаёт тез суръатда кечади. Бироқ шунга қарамадан, тарихий ёдгорликлар, жумладан Гёнбокгун саройи ва Ханок қишлоғи орқали қадимий Корея руҳини ҳис этиш мумкин. Мен у ерда “Folk Village” сарой-музейида бўлдим. Корея тарихидан ҳикоя қилувчи ушбу музейда корей тарихидаги одамлар яшаган уйлاردан тортиб, деҳқончилик ишлари ва уруш йилларидаги хотиралар ҳай-калчалар орқали, гуёки жонли тасвирлаб берилгандек эди. Шунингдек, бу мамлакатда машҳур тарихий фильмлар суратга олинган саройни томоша қилиш бахтига мушарраф бўлдим. Айнан, биз севиб томоша қилган машҳур Тангем, яъни “Сарой жаҳоҳири” фильми ҳам шу ерда суратга олинган экан. Бундан ташқари, “Chonpan” мустақиллик хотира музейи экспонатлари билан танишиш имкониятига эга ҳам эга бўлдим. Жанубий Корея тарихидан сўзловчи бу тарихий-маданий маскан ҳам

ўзига хослиги билан ажралиб туради. Музейда Корея тарихи акс этган, зиндонларда маҳбусларни сўроқ қилиш жараёнлари ўша даврдаги ҳолатда тасвирланган. Гуёки тергов бераётгандек у ерда ҳам расмга тушдим. Энг қувонарлиси, Суелдан 60 километр узоқликда жойлашган, кўплаб томошабинлар қалбидан жой олган икки ёшнинг фожеали муҳаббати ҳақидаги фильм – “Қиш сонатаси” суратга олинган “Nami” оролига борганим бўлди. Драма суратга олинган ушбу орол сайёҳлик марказига айланган экан. 2001 йилда оролга 270 минг сайёҳ ташриф буюрган ҳолда, сериал намойиш этилгандан сўнг, яъни 2002 йилда бу кўрсаткич 650 мингга кўтарилган экан. Бу ерда сайёҳлар фильм қаҳрамонлари хоти-расига қўйилган ҳайкаллари томоша қилиш ҳамда хиёбонда сайр қилиш учун ташриф буюрадилар. Бу ерда фильмда ишлатилган ҳамма нарсаси, велосипеддан тортиб, севишган жуфтлик биргаликда ясаган қор болчаларгача хотира сифатида олиб қўйилган. Корейликлар ҳафтанинг бир кунини саёҳатларга бағишлар, оила аъзолари, фарзандларини тарихий ва кўн-гилочар жойларга айлантириб, дам олишар экан.

(Давоми 2-саҳифада)

## Тошлоқда томорқачиликда “БИР КОНТУР – БИР МАҲСУЛОТ” САМАРАСИ

Айни пайтда Фарғона вилояти Тошлоқ туманида 30,7 мингдан ортиқ хонадонда томорқа мавжуд бўлиб, экин майдони 3 минг 248 гектарни ташкил этади.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида тумандаги ҳар бир маҳалла муайян экин турига ихтисослаштирилган ва шу асосда иқтисодий драйверлар белгилаб олинган. Натижада томорқаларда турли кўкатлар, редиска, картошка, қарам, помидор, бодринг, пиёз, цитрус мевалари, қулпунай ва полиз маҳсулотлари етиштиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Сўнгги йилларда илғор агро-технологияларни жорий этиш ҳисобига мева-сабзавот маҳсу-лотлари ҳажми, сифати ва экспорт сўмга яқин даромад олинади. Айни пайтда иссиқхонада 20 хил навага истикомат қилувчи Нурали Соипов



хонадонидagi 7 сотихли иссиқ-хонада ҳар йили ўртача 750–800 минг туп қарам кўчати етиштири-либ, сотиш орқали 400 миллион сўмга яқин даромад олинади. Айни пайтда иссиқхонада 20 хил навага мансуб 300 мингдан ортиқ қарам

кўчатлари парваришланмоқда. Бу жараён бошоқли дон экинларидан бўшган ерларга такрорий экин экиш давригача давом этади ва иссиқхонада икки-уч марта ҳосил олиш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада)

Марказий Осиёда яшаган аждодларимиз қадимдан ерни, тупроқни эъзозлаб, атроф- муҳит мусаффолигига алоҳида эътибор берганлар. Ерга ишлов бериш, суғориш тизими борасида ҳам катта тажриба тўплаб, деҳқончилик ва зироатчилик соҳаси ривожига ушбу тажрибадан фойдаланганлар. Ота-боболаримизнинг деҳқончилик ва зироатчиликни ривожлантириш борасидаги амалий фаолиятлари ва анъаналари халқимизнинг тарихий- адабий мероси “Авесто”да ҳам ўз ифодасини топган.

## ЗИРОАТЧИЛИККА ЭЪТИБОР ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗДА ҚАНДАЙ АКС ЭТГАН?

Халқимизнинг кўп қиррали қишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган анъанавий тажрибага таянади. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди табиий-географик шароитига қараб учта қишлоқ хўжалиги зонасига бўлинади: тоғли ва тоғ олди (20,5%), суғорма ерлар (18,2%) ва қолгани бепоеён дашт-яйлов ерлардан иборат ҳудудлар. Аммо суғорма ерларнинг барчаси суғоришга яроқли эмас. Тоғ тизмалари ва қум уюмлари орасида, дарё соҳилларида жойлашган зироатчилик воҳалари Фарғона водийсида, Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон ва Хоразм воҳала-рида қадимдан маълум.

(Давоми 2-саҳифада)



### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## ИЛМ НУРИ ИЛА КЕЛАЖАКНИ БУНЁД ЭТАЁТГАН УСТОЗ

Ўқитувчи бу қуёш. Унинг илм нури тушмаган, зиёси етиб бормаган маскан йўқ. Устоз томонидан берилган ҳар бир билим, ҳар бир тарбия уруғи йиллар ўтса-да, буюк келажакни барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Устозлик – шарафли ва масъулиятли касб. Бу йўлда босиб ўтилган ҳар бир қадам ҳикмат ва тажриба билан бойиб боради. Атрофимизда шундай фидойи устозлар борки, уларнинг ҳар бир дарси ўқиш услуби нафақат ўқувчиларга, балки бутун жамиятга ўрнак ва тарбия мактаби бўла олади.

Лавҳамиз қаҳрамони ана шундай фидойи, талабчан ва тиришқоқ устозлардан бири Дилноза Шариповадир. Дилноза Шарипова 1975 йил 16 январда Шовот туманидаги Оққўл маҳалласида оддий ишчи оиласида таваллуд топган. Ўрта таълим мактабини тамом-лагач, 1991-1994 йилларда Хива педагогика билим юртида тахсил олиб, аъло баҳоларга битиради.


1994 йилда у Шовот туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабидида жисмоний тарбия фани ўқитув-чиси сифатида ўзининг илк меҳнат фаолиятини бошлайди. Касбий маҳоратини ошириш йўлида изчил изланиб, 2003-2007 йилларда Ўрганч давлат университетининг бошланғич таълим йўналишини сиртки таълим шаклида муваффақиятли тамом-лайди.

(Давоми 4-саҳифада)

### Хуқуқий саводхонлик

## Медиатив келишув нима?

Ҳозирги кунда иқтисодий низоларни ҳал этишда суддан ташқари муқобил усуллари ривожлантириш давлат ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, медиация институти иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низоларни тез, кам харажатли ва ўзаро келишув асосида ҳал этишнинг самарали воситаси сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.



## Гиёҳвандлик – инсон ва жамиятга зарар келтирувчи жиноят



Қадимги юнон файласуфи Фалес Милетлик таъкидлаган: бахтга соғлом танаси, қабул қилувчи руҳи ва тартиб-интизомга риоя қилиш орқали эришилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Низомиди инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида соғлиқнинг энг юқори даражаси эканлиги таъкидлаб ўтилган. Инсон саломатлигини белгилайдиган ёки хавф солувчи омиллари бўлган, яъни уларнинг таъсири касалликнинг ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар ҳақида маълумот олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслик керак. Инсон учун ташқи муҳит нафақат табиат, балки жамият ҳамдир. Ижтимоий хавф-хатарлар жамиятда кенг тарқалган ва инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган хавфлардир.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

## Пайариқда каналларни модернизация қилиш ишлари давом этмоқда

Пайариқ туманида капитал қурилиш лойиҳалари ҳамда чет эл инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ирригация-мелиорация тадбирлари, шунингдек, эксплуатация ишларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.



Семинар доирасида "Пай" каналда амалга оширилаётган бетонлаштириш ишлари юзасидан маълумот берилди. Жумладан, каналнинг ПК-35+00 дан ПК-183+00 гача бўлган қисмида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Самарқандсувқурилишнинг давлат муассасаси томонидан ПК-660 ва ПК-393 сонли қарорлар ижроси доирасида канални 14,8 км. масофада бетонлашти-

риш режалаштирилган бўлиб, айна вақтга қадар 10 км. қисмида ишлар бажарилгани таъкидланди.

Тадбир давомида сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, уларнинг ижроси ва самарадорлиги юзасидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати



## Тошлоқда томорқачиликда

### "БИР КОНТУР – БИР МАҲСУЛОТ" САМАРАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Хўжаарик маҳалласида яшовчи Фарҳод Матқаримов замонавий иссиқхонада Жанубий Корея тажрибаси асосида йил давомида қўлпунай етиштиришни йўлга қўйган. Шунингдек, хонадонда аччиқ қалампир, помидор, бодринг ва булғор қалампирни қўчатилади тайёрлаб, буюртма асосида туман аҳолисига етказиб берилмоқда. Оила аъзолари ҳар йили қўлпунай етиштириш орқали 120–150 миллион сўм даромад топмоқда.

Арабозор маҳалласида ҳам деҳқончилик асосий иқтисодий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда маҳаллада 750 дан ортиқ хонадон томорқачилик иссиқхоналарида турли сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Илҳомжон Мағзоиевлар оиласи иссиқхонасида асосан лимон парваришланади. Шу билан бирга, ўтган йилдан томорқачилик бўш ер майдонида истиқболли лойиҳа сифатида беданачилик йўлга қўйилди. Ҳозирда япон зотига мансуб 6 минг бедана парваришланиб, шундан 4,5



мингтаси кунлик тухум бермоқда. Бу фаолият орқали оила ойига ўртача 54–55 миллион сўм даромад олади. Тошлоқ тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими мутахассислари жорий йил учун ҳар бир маҳалла кесимида ишлаб чиқилган микролояҳалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда амалий чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда. Шунингдек, илғор томорқачиларга имтиёзли банк кредитлари, субсидия ва сўда маблағлари ажратиш бўйича манзилли ишлар олиб борилмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбек халқи зироатчилик соҳасида бошқа Ўрта Осиёликлар сингари, энг қадимий аждодларидан ўтган суғориладиган ва лалмикор деҳқончиликни, кичик ва катта, оддий ва мураккаб суғориш иншоотлари ва тизимлари қуришни, дала-ларни суғоришнинг ҳар хил усулларини, агротехника сирларини яхши билганлар. Бойсун ва Қурама тоғ этакларида қадимдан жуда катта меҳнат ва ер шароитини чуқур билишни талаб қиладиган қориз зироатчилиги сақланиб келган. Бу ерда булоқ ва ҳавза деҳқончилиги ҳам маълум бўлган. Зарафшон водийси, Сирдарё, Амударё ва Қашқадарё соҳилларида неолит ва бронза даврларидан амал қилиниб келинган дарё сувлари кўпайганда сув босадиган қайир ва лиман ерлардаги зироатчилик то 30-йилларгача сақланган.

Ота-боболаримиз деҳқончилик ва зироатчилик ишларида маданий-этно анъаналар асосида далачилик, полизчилик ва боғдорчилик соҳаларида турли усул ва йўллари ишлаб чиққанлар. Илк зироатчилик даврларидаёқ улар ниҳоятда фойдали ўсимликларни, айниқса, донли ва полиз экинларини, ҳатто боғдорчиликни ўзлаштирганлар. Тадқиқотларга қараганда, Марказий Осиёликлар сўнги босқичдаги неолит ва энеолит даврларида бугдой, арпа, тарих ва бошқа донлар, ўрик, олма, нок каби меваларнинг айрим навларини хонақилиштирганлар.

Маълумки, зироатчилик ҳўжалигининг ривожини биринчи галда унинг техникавий жиҳозланиши ва агротехник билим даражасига боғлиқ. Ўзбек зироатчилиги ўтган аср арафасида нисбатан қолоқ моддий-техника базасига эга бўлган эди. Археологик маълумотларга қараганда, бу ерда зироатчилик қуролларининг кўпчилиги, айниқса, ер ҳайдаш ва экин ўриш қуроллари минг йиллар давомида ўзгармай келган эди.

Қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларида, айниқса, зироатчиликда энг муҳим меҳнат қуроллари омов, кетмон, бел ва ўроқ ҳисобланган. Ҳайдалган ерни текислаб, уруғни сепгач, устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган.

Ўзбекистонда қадимдан энг кенг тарқалган қовлағич қурол кетмондир. Айниқса, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент воҳасида ер ишларининг барча турларида кетмон ишлатилган. Далачилик ва полизчилик экинларини



## Зироатчиликка эътибор тарихий меросимизда қандай акс этган?

чоппик қилишда ва суғоришда, боғдорчилик ва узумчиликда, ерга ишлов бериш ва йўллари тузатишда, қурилиш ва бошқа ишларда кетмон асосий қурол бўлиб хизмат қилган.

Ерга ишлов бериш асосан, ерни бир неча марта омов билан ҳайдаш, мола босиш, сув ва ўғит беришдан иборат. Кўп асрлик тажриба натижасида маҳаллий деҳқонлар экинларни алмашлаб экиш йўлини кашф этганлар. Алмашлаб экиш нафақат ўсимликларнинг хусусиятини билишга, балки фаслга қараб тупроқнинг хусусияти, суғориш имкониятлари ва бошқа зироатчилик сирларини эгаллашга боғлиқ.

Зироатчиликда хосилдорликни оширишнинг муҳим тадбирларидан бири ерни ўғитлашдир. Барча ерларда кўпчилик экинларга асосан соф гўнг ишлатилган. Шолликор ерлар шоллоя билан ўғитланган.

Ўзбекистонда зироатчиликнинг йирик соҳаларидан бири ғаллачилик ҳисобланган. Бу соҳадаги бош экин бугдойдир, кейин макка ва оқ жўхори, арпа, шол, сули, тарих, мош, ловия ва ҳоказолардир. 1915 йилда Туркистон ўлкасидаги экин экиладиган ерларнинг ярмидан кўпи, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги ерларнинг 2/3 қисми бугдой билан банд бўлган. Асосан уч хил бугдой турлари экилган. Бугдой турларидан "оқ бугдой", "қора бугдой", "лайлак бугдой", "туя тиши", тоғли туманларда совуққа

чидамли "чивит" тарқалган. Шунингдек, ота-боболаримиз жўхори, мош ва ловия ҳам экинлар.

Аждодларимизнинг бебаҳо тарихий мероси "Авесто"да деҳқонлар ва уларнинг меҳнатини қадрлаш борасидаги мулоҳазаларда моддий неъматларнинг яратилиши оқибатида етадиган савоб, жамоани иқтисодий томондан таъминлашнинг аҳамияти хусусидаги фикрлар она замин, юрт таърифи билан қоришиб кетади. Зардуштининг Ахура Мазда билан савол-жавобларида "қайси ер энг яхши замин", "қайси юрт халқи энг бахтиёр одамлар ҳисобланади", деган саволлар кўп учрайди. Ана шундай саволларнинг бирига Ахура Мазда шундай жавоб беради: "Муъбад ўз барсами (хуш ҳид тарқатадиган хивчинлар дастаси) билан халққа диний аҳкомларни эркин тушуниришга қараганда, диндор уй-жой қуриб, боғ барпо этиб, мол-ҳол қилиб, хотин, бола-чақаси билан бемалол яшайдиган, одамлар ерга бемалол ишлов бериб, экин экиб, суғора оладиган; чорвачиликни ривожлантиришга имконияти бўлган ва моллар яхши насл қолдира оладиган ер энг яхши ер, бахтли ердир".

Зироатчиликда энг кўп эътибор ва меҳнат талаб қиладиган экин шолдир. Халқимизнинг сеvimли маҳсулоти ҳисобланган гуруч (шол)ни экиб, парвариш қилишда жуда кўп сув талаб қилинади. Унинг ҳам бир неча турлари мавжуд: "оқ шол", "қизил шол", "арпа шол",

"дезира". Шол уруғи махсус уват (хоразмда чел) билан бўлган кўччаларга кўл билан сепилиб, баъзан қўчат қилиб экилиб, бир неча кунлаб сувда сақланган, кейин жиддий равишда ўтов қилиб курмак ва қамишлардан тозаланган. Шолнинг эртапишар турлари 15-17, кўпчилиги асосан 17-18 ҳафтада пишиб етилган. Халқ орасида тарқалган "Сақсонда савоқда, тўқсонда товоқда", деган ибора шолга тегишлидир. Уни парвариш қилиш учун катта маҳорат талаб қилинган, чунки ўз вақтида сув бериб, ўтов қилиб турилмаса ҳосил бўлмайди.

Шолни ҳам махсус сув билан ҳаракатга келтириладиган обжувозда янчганлар. Хоразмда "дахма" (жувоз) ҳайвон кучида ишлаган. Барча деҳқон ҳўжаликлариде шол ва бошқа донларни янчадиган сўқи (кели) бўлган.

Маҳаллий ҳўжаликларда қадимдан дуқакки экинлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айниқса, мош кенг тарқалган. Нўхат ва ловия ҳам халқ орасида севиб истеъмол қилинган.

Деҳқончилик ва зироатчиликда фенология билимлар муҳим аҳамиятга эга. Илмий метрология ва астрономиядан беҳабар деҳқон асрлар давомида табиатни кузатиш натижасида оддий астрономия билимлари асосида халқ календарини ишлаб чиққан. Қишлоқ ҳўжалигида зарур бўлган календарь 90 циклдан иборат бўлиб ҳар фасл 90 кунга бўлинган: баҳорги тўқсон (ҳамал, савр, жавзо), ёзги тўқсон (саратон, асад, сунбула), кузги тўқсон (мезон, ақраб, қавс) ва қишки тўқсон (жадий, даль, хут). Ёзги жазирама иссиқ ва қишки совуқ даврлар катта ва кичик чиллага бўлинган. Баҳорнинг келиши ҳамалдан, жанубий туманларда ҳутдан бошланган. Баҳор ойининг кутилиши, яъни деҳқончилик ишларининг бошланиши асли юлдузларга, илк қушларнинг учиб келиши ва бошқа фенологик кузатишларга қараб белгиланган.

Аждодларимизнинг бой тарихий меросида мадх этилган деҳқончилик ва зироатчилик соҳасидаги ибратли ғоялар бутунги кунда мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда ёшларда деҳқончилик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди, деб ўйлаймиз.

Муқаддас АБДУРАЙИМОВА,  
ТошДАН Ижтимоий-гуманитар  
фанлар кафедраси доценти.



## ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАР БИЛАН



Маърифат ШАРИПОВА

(Боши 1-саҳифада)

Уларнинг ана шундай урф-одатлари менга жуда ёқди. Бундан ташқари, сафарим давомида Сеул шаҳридаги "Namsan Tower" га саёҳатимиз ҳам таассуротларга бой ва мароқли ўтди. У ерга ташриф буюрган Корея фуқароси ёки сайёҳ қулф сотиб олиб, унга тилак ёки исмларини ёзиб, хотира сифатида қўллаб кетишаркан. Айна шу шаҳардаги ана бир муҳташам бино 123 қаватли бўлиб, "Lotte World" деб аталади. Ердан 490 метр балангликка қўтарилган ушбу бинога экранли лифта да чиқишади. Булуғлар билан уйғуллашиб кетган энг юқори қаватда бўлиш ўта хайратли. Айниқса, пол қисмининг махсус шишадан қурилганлиги у ердан одамлар паства қараганда ердаги жисмларнинг жуда майда қурилиши қалбларда завқ ила кўрқув ҳиссини пайдо қилади. Беихтиёр, қичқириб юборади, киши.

Саёҳатим тўғрисида кўп гапиришим мумкин. Масалан, Сеул шаҳридаги улкан аквариум ранг-баранг баликлари, пингвинчалар, саккизоёқ, акула

ва тимсоқлари билан ташриф буюрувчиларга ўзгача кайфият бағишлайди. Жуда катта ҳайвонот боғи ва ундаги манзаралар, хилма-хил ҳайвонларни томоша қилган ҳар бир одам ўтказган кунни учун ҳаётдан мамнун бўлади. "Kangring" денгизи. Корейнинг машҳур денгизи манзаралари жуда чиройли бўлиб, у ерга борган инсоннинг руҳи ором олади. Денгизда кема шаклида қурилган кўп қаватли, муҳташам меҳмонхона бор. Меҳмонхона орқали ўзгача дизайнда безатилган, бетақоррор ресторанга бориш мумкин. Бу ресторан ҳам денгиз ичида қурилган бўлиб, бемалол денгизнинг мовий сувлари ва баликлари ёнида маза қилиб овқатланишингиз мумкин.

### Корейлар – самимий ва меҳмондўст миллат

Жанубий Корейликларнинг жуда самимий, хушмуомала ва меҳмондўст эканликлари сезилади. Ҳар доим ёрдам беришга тайёр, меҳмонга хурмат билан муносабатда бўлишади. Бу эса сафаримнинг янада ёқимли қилди. Уларда нафақат муомала маданияти юқори, балки кўча-кўйда юриш маданияти ҳам. Масалан, йўлни кесиб ўтиш учун кўча бўм-бўш бўлса ҳам, светофорнинг яшил чирғоғи ёнмагунча ҳеч ким юрмайди. Ҳатто, уйларига почта келса, ҳафталик эшик олдига қолса ҳам бирор кимса олмайди. Кўчага қичиб бекатда автобус кутсангиз, қиш фаслида бекатдаги скамейкалар иссиқ ҳолатда бўлади. Уларда экранли табло ўрнатилган бўлиб, ҳар дақиқада кутилаётган автобусларнинг келиш вақтини кўрсатиб туради.

### Таъм ва маданият – корей ошхонаси

Корей таомлари менга жуда ёқди. Кимчи, бибимбап, булгоги, рамён каби миллий таомлар ўзгача мазаси ва кўриниши билан ёнда қолади. Шунингдек, уларда овқатланиш маданияти жуда юқори – тозалик ва эҳтиром ҳар бир нарсада сезилиб туради. Уларнинг дастурхонида ҳамма вақт пиширилган гуруч, қарам ва оқ турдан аччиқ қилиб тайёрланган салатлар бўлади. Ошхоналарига овқатланиш учун борсангиз, дастурхонингизни турли салатлар билан тўлдириб ташлашади. Лекин, улар учун пул олишмайди.

Менга ёққан жиҳати шу бўлдики, Корей ошхоналарида мижозлар ўтирадиган стол ўртасида бежирим газ печи қўйилган бўлиб, сиз буюртма қилган истаган таомингизни ўша ерда пишириб, истеъмол қиласиз. Мен у ерда Сеул, Инчон ва Ансон шаҳарларидаги машҳур ошхоналарида бўлиб, мазали, бетақорр таъмага эга овқатларидан истеъмол қилдим.

Шундай қилиб, Жанубий Кореяга қилган саёҳатимдан хулоса чиқарадиган бўлсам, у жуда катта таассуротлар ва сабоқларга бой бўлди. Бу ердаги тартиб-интизом, поксизлик, замонавий технологиялар ва халқнинг одобу ахлоқи менга жуда ёқди. Сафарим давомида маданиятлар фарқига қарамай, инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро хурмат муҳим эканини яна бир бор англадим. Бу сафар менинг дунёқарашимни кенгайтирди, янги билим ва тажрибаларга эга бўлишимга ёрдам берди.

## 900 ДАН ЗИЁД МАҚАЛЛАДА КИЧИК ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Юртимизда камбағал оилаларга давлат томонидан қўрсатиладиган ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари қўлама кенгайиб, манзилли ва самарадор фаолият орқали даромадга эришишларига кўмаклашилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралда "2026 йилда ҳудудларни янги ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатда камбағал оилаларни барқарор даромад билан таъминлаш мақсад қилинган.

Жумладан, мазкур қарор ижроси доирасида камбағаллик даражаси юқори бўлган 903 та маҳаллада кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 9 февраль кунини айни йўналишда қарор қабул қилинди.

Камбағал оилаларни барқарор даромад билан таъминлаш мақсадлари назарда тутилган "Оғир" маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги мазкур қарорда, Энергетика вазирлиги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан биргаликда "оғир" маҳаллаларга даромад келтирадиган актив сифатида 300–500 кВт соат қувватдаги кичик қуёш электр станцияларини ишга туширади. Лойиҳани молиялаштириш учун Тиклианиш ва тараққийот жамғармаси томонидан 110 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиши белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини қуриш учун зарур бўлган ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳўжжаси асосида Энергетика вазирлигига белгиланган тартибда ажратади.

Бунда ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқиш ва экологик экспертиза хулосаларини тақдим этиш Кадастр агентлиги ва Экология ва иқлим ўзгарishi миллий қўмитаси томонидан бепул тарзда амалга оширилади.

Шунингдек, 2026 йил якунига қадар маҳаллаларда кичик қуёш электр станциялари барпо этилади ва бу бўйича амалга оширилган ишларни Энергетика вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда қайта ҳисоб-китоб қилиб, талаб этиладиган қўшимча маблағлар бўйича таклифлар киритади.



Алимардон ИНОМОВ, Наманган вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси.



# МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ НИМА?

(Боши 1-саҳифада)

Медиатив келишув бу тарафларнинг ихтиёрӣ розилиги асосида, медиатор иштирокида эришилган келишув бўлиб, у фуқаролик-ҳуқуқий битим хусусиятига эга. Мазкур келишувнинг асосий белгиси унинг ихтиёрӣлик таъминлиги асосланганидир. Бироқ, иқтисодий муносабатларда тарафлар манфаатларининг кескин тўқнашуви натижасида баъзан медиатив келишув шартларининг бажарилмаслиги кузатилади. Амалдаги қонунчиликда бундай келишувларни тўғридан-тўғри мажбурий ижро эттириш имконияти аниқ белгиланмаган. Натижада манфаатдор тараф яна судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлар, бу эса вақт ва харажатларни оширади. Шу боис, медиатив келишувларнинг бажарилишини таъминлайдиган самарали процессуал механизмга эҳтиёж мавжуд эди. Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида, 2025 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Иқтисодий процессуал кодекси “Медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш”, деб номланган 292-боб билан тўлдирилиб, медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг процессуал тартиби белгиланди. Ушбу бобга мувофиқ, агар медиатив келишув шартлари ихтиёрӣ равишда бажарилмас, манфаатдор шахс судга ариза билан мурожаат қилиб, ижро варақаси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда суд янги низолини қўриб чиқмайди, балки мавжуд келишувнинг қонунга мувофиқлигини ва ижро этиш мумкинлигини текширади. Мазкур боб қуйидаги муҳим процессуал жиҳатларни қамраб олади:

- медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза эъмом шаклда ёки электрон ҳужжат тарзида берилади ва аризадаги ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак;
- медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза медиатив келишувни ихтиёрӣ ижро этиш мuddати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур мuddат иқтисодий суд томонидан узрли деб топилган сабабларга қўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган мuddат тикланиши мумкин;
- ишни алоҳида иш юритиш тартибида қўриб чиқиш;
- тарафлар суд мажлисига чақирилади, улар келмас ва иш яқка тартибда ҳал этиш имконияти мавжуд;
- медиатив келишувнинг мазмуни қонун талабларига зид эмаслигини текшириш;

• келишув аниқ ва ижро этиш мумкин бўлган ҳолларда ижро варақаси бериш.  
Мазкур қўшимчанинг амалиётга жорий этилиши бир қатор ижобий натижаларни келтириб чиқаради. Хусусан, медиатив келишувларнинг бажарилиш кафолати ошади, тарафлар келишув бажарилмаган тақдирда мажбурий ижро механизми мавжудлигини билиб, унинг шартларига жиддийроқ муносабатда бўладилар. Иқтисодий судларга тушадиган даъволар сони камаяди, тарафлар низолини қайтадан суд тартибиде ҳал қилиш ўрнига, мавжуд келишувни ижро эттириш билан чекланади. Қолаверса, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳуқуқий ишонч мустаҳкамланади, бу эса инвестициявий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, амалиётда судлар томонидан медиатив келишувнинг мазмунига ортиқча аралашмаслик, унинг фақат қонунийлиги ва ижро имконияти билан чекланиб текширилиши муҳим аҳамият касб этади. Хорижий давлатлар тажрибасида ҳам медиатив келишувларни мажбурий ижро этиш институтини кенг қўлланилади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида хусусан, Германия, Франция, Италия, Испания каби давлатларда шу механизм жорий қилинган. Ўзбекистон қонунчилигида жорий этилган боб ҳам айнан шу халқаро стандартларга мос келади.  
Хулоса қилиб айтганда, ушбу ўзгариш медиация институтини ривожиде муҳим ҳуқуқий қадам ҳисобланади. Ушбу меъёрлар медиатив келишувларнинг амалий самардорлигини оширади, иқтисодий низоларни ҳал этишда суд юкларининг камайтиради ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади. Мазкур қўшимча келгусида медиация институтининг янада такомиллашуви учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# ОРОЛБЎЙИ ДЕҲҚОНЛАРИГА КАМАРБАСТА

Деҳқон меҳнати қачон юзага чиқади? Қачонки, у деҳқончилик қилаётган замин захдан холи, ернинг шўри чекинган бўлса!



Деҳқон меҳнати кўринади. Ерга қадаган уруғи беҳато униб чиқиб, юзини ёруғ қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замин шифокорларининг меҳнати бободехқонларимиз ҳаётида жуда муҳим ўрин тутди. Эътироф этиш жоизки, соҳа вакиллари ўтган йиллар мобайнида ҳақиқатан ҳам эътиборга молик ишларни амалга ошириб, зиммаларидаги вазифани аъло даражада удалаб келишмоқда. Шу жумладан, Оролбўйи минтақасида бу борада кенг қўламли мелиорация ишларини бажариб келаётган соҳа вакиллари меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. Уларнинг астойдил қилаётган меҳнатлари эъвазига замин соҳаватини кенгроқ очмоқда, деҳқонлар ҳосилига ҳосил қўшилиб, дастурхонларимиз тўкинлиги таъминланмоқда. Худудда ўтган йили ҳам ушбу йўналишда катта ҳажмда ишлар олиб борилди. “Қорақалпоғистон-сувқурилишинвест” давлат муассасаси буюртмачилигида ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция ишлари бажарилди. Президентимизнинг 2024 йил 24 декабрдаги “2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузулмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

қарори бўйича салкам 50 км. узунликдаги каналлар реконструкция қилинди, 7,2 км. узунликда латок ва 1,5 км. қувур тармоғи қурилди, 4 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, насос стациялари қурилди, 1,58 км. узунликдаги дамбани мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 103 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилиб, қуриш ва реконструкция қилиш ишлари йиллик лимитга нисбатан 105 фоизга бажарилди.  
– Ўтган йили Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди, – дейди “Қорақалпоғистон-сувқурилишинвест” давлат муассасаси директори в.в.б. Аллаёр Кайпов. – Қорақалпоғистон Республикасида шакллантирилган лойиҳалар бўйича 89 та маҳалладаги томорқа ерларини суғоришни яхшилаш бўйича 857,2 км. узунликда каналлар реконструкция қилинди. Шундан 746,9 км. узунликда каналлар тозаланди, 110,3 км. узунликда каналлар бетонланди, 37 та суғориш қудуқлари қурилиб, 207 донна насос агрегатлари ўрнатилди.  
**Ориф ЖУМАНОВ,**  
“Qishloq hayoti” муҳбири.

(Боши 1-саҳифада)

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қўра, гиёҳванд моддалар юрак-қон томир касалликлари ва хавфли ўсмалардан ўтиб, эрта ўлимнинг асосий сабабига айланди. Бугунги кунда дунё бўйлаб катта хавотир уйғотаётган энг кескин муаммолардан бири бу гиёҳвандликнинг кенг тарқалишидир. Бу ҳодиса нафақат алоҳида шахснинг, балки бутун миллатнинг соғлиғига бевосита таҳдид солади. Бугунги кунда гиёҳвандлик муаммоси ҳар биримизга тегиб келиши мумкин. Биз бу ҳақда тобора кўпроқ таъкидлаб ўтамиз, матбуотда ўқимоқдамиз, юртимизнинг турли шаҳарларидаги оилаларда, мактабларда наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида юз берган фожиалар ҳақида эшитмоқдамиз. Кучайиб бораётган рақобат, стрессли вазиятлар, ноаниқлик ва беқарорлик ёш авлодда ижтимоийлашувдан четга чиқиш – гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш каби ҳулқ-атвор шаклларини келтириб чиқармоқда.

Гиёҳванд моддалар бу ўсимлик ёки синтетик келиб чиқадиган кимёвий моддалар бўлиб, улар рухий ҳолатинг ўзгаришига олиб келиши мумкин, улардан мунтазам фойдаланиш эса гиёҳвандликка олиб келади. Гиёҳвандлик эса наркотик моддалардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган касалликдир. У наркотик моддалардан доимий фойдаланиш, миқдорни доимий равишда оширишга интилиш каби хусусиятлар билан таърифланади. Гиёҳванд моддалардан биринчи мартаба фойдаланиб қўриш учун жуда кўп сабаблар бор, лекин энг кенг тарқалганлари қуйидагилардир: Қизиқувчанлик сабабли фойдаланиш. Инсон табиатан қизиқувчан. Айниқса, ёшлар қизиқувчан, дунёни ва ўзини ўрганади. Ҳаётнинг ушбу даврида ёш янги тажрибаларни (жисмоний ва ҳиссий) шунчалик хоҳлаймизки, гиёҳванд моддаларнинг хавфлилиги ҳақида катталарнинг ҳикоялари нафақат бизни кўрқитмайди, балки баъзан бизни ўзига жалб қилади – “қанчалик хавфли бўлса, шунчалик жозибали”.

Завқ олиш учун фойдаланиш. Инсон табиатан қувонч, хурсандчилик ва завқланишни хоҳлайди. Ўз ҳолатини ўзгартириш, бепарволикни кўзга титишинг энг осон йўли кимёвий моддани истеъмол қилишидир.  
Ёшларнинг ота-оналарга қарши норозилик сифатида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиши. Ота-она босими ва таъкидларига қарши даъвати: “Мен ўз соғлигим ва ҳаётимни қандай боқаришни биламан”.

Стрессни бартараф этиш учун фойдаланиш. Агар одамнинг ўзига бўлган ишончи кам бўлса, дори ёмон кайфиятдан, оғриқ ҳиссидан ва камситилишдан ҳимоя воситасига айланади.

Гиёҳвандликка мойил бўлиш хавфи ҳамма учун мавжуддир. Гиёҳвандлик фақатгина бир омилнинг натижаси эмас. У қўлаб омиллар таъсирида шаклланади. Ички омиллар шахсий сифатлар билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг шахсий манбалари ҳамда умумий муаммолари жиҳатларини кўрсатади: ўзини паст баҳолаш; салбий ҳаётий ўрин; гиперактивлик, агрессивлик; ижтимоий ҳимояга муҳтожлик ҳисси; янги

# ГИЁҲВАНДЛИК – ИНСОН ВА ЖАМИЯТГА ЗАРАР КЕЛТИРУВЧИ ЖИНОЯТ

қизиқиларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги ва янги қўнимчаларни эгаллаш истагининг бўлмаслиги; шахсиятнинг барқарор эмаслиги; қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва ўзини назорат қилиш қобилиятининг пастлиги; паст қизиқувчанлик; ўз ҳис-туйғуларини тушуниш қобилиятининг пастлиги; “Йўқ” деб айта олмаслик; инсонлар билан муносабат қўнимчаларининг ривожланмаганлиги.  
Ташқи омиллар инсон ҳулқ-атвориға таъсир қилувчи ижтимоий, маданий, жисмоний ва оилавий муҳит билан боғлиқдир. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: тендошлар томонидан кўрсатиладиган босим; турли ёшдаги гиёҳванд моддалар истеъмолчилари билан мулоқотда бўлиш; ўқишда доимий қийинчиликлар; ўқш ёки ишдан қониқнинг йўқлиги; маъносиз оилавий муносабатлар; ёлғизлик ва стресс; атрофдаги доимий можаролар; оилада спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги; оилада зўравонлик ёки жинсий зўравонлик.

Гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфи қатор жиҳатларда намоён бўлади. Биринчидан, гиёҳвандлар объектив ва субъектив жиҳатдан меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади, чунки уларнинг жисмоний ҳолати қониқсиз, даврий равишда келиб чиқадиган хуружлар уларни ишдан чиқаради, барча фикрлари гиёҳванд модда билан боғлиқ бўлиб, асосий эътибори уни қўлга киритиш усуллариға қаратилган бўлади. Иккинчидан, гиёҳвандлик жамиятга катта моддий ва маънавий зарар келтиради, транспорт воситаларида ва ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳолатларнинг сабаби бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, гиёҳванд моддаларни сотиб олиш учун маблағ излаш зарурати одамни турли ҳаракатларга ва ҳатто қонунбузарликларга (ўғирлик, талончилик, рецептларни сохташатириш ва ҳоказо) ундайди. Учинчидан, гиёҳвандлар ўз оиласи учун тоқатсиз шарт-шароит яратади, яқинларига яхши ҳаёт кечирishi имкониятини бермайди, ўз мавжудлиги билан оилани заҳарлайди, оиладан ҳаёт учун зарур воситаларни тортиб олади, оғир жиноятларни содир этиши ҳам мустақо эмас, чунки ота-онанинг гиёҳвандлик билан боғлиқ баъзи модда алмашинув бузилишлари болаларга ҳам ўтади, ҳомилдорлик давридаги гиёҳвандлик эса тўғридан-тўғри болани заҳарлайди. Тўртин-

чидан, жисмонан ва маънавий кадр-қимматини камситувчи гиёҳвандлар, фарзанд туғилиши билан ота-она, жамият эса янги фуқароннинг пайдо бўлиши билан доимо кутган умидларини оқлай олмай, бевақт вафот этади. Шу билан бирга, улар бошқа одамларни, айниқса, ёшларни бу иллатга жалб қилишга интилишади. Бешинчидан, гиёҳвандлик нафақат алоҳида шахс учун, балки бутун миллат соғлиғи учун ҳам хавф туғдиради, ҳар бир гиёҳванд модда истеъмолчиси бошқа одамларни, айниқса, ўсимлар ва ёшларни бу даҳшатли ҳалқага тортишга интилади.  
Гиёҳвандлик моддалари инсон соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Улар асосан икки йўл орқали таъсир кўрсатади – наркотик ва токсик. Наркотик таъсири рухий ва жисмоний қарамликка олиб келса, токсик таъсири инсон организмнинг бузилишиға олиб келади. Гиёҳвандлик воситалари инсоннинг барча аъзолари ва тизимларига зарар келтиради. Асаб тизими заҳарланиб, жиддий тарзда зарар қўради, мия ҳужайралари ва нерв турғунлари шикастланади. Дастлабки зийфори ҳисси пайдо бўлгандан сўнг, салбий рухий аломатлар намоён бўла бошлайди: галлюцинациялар, хавотир, кўркув, меланхолия, ғазаб ва депрессия кабилардир. Шунга қўра гиёҳвандлар орасида ўз жонига қасд қилиш даражаси юқоридир. Уларда психозлар ва бошқа рухий касалликлар шаклланади. Мажбурий равишда бош мия фаолиятининг бузилиши ва шахсиятнинг деградацияси ривожланади.  
Юрак-қон томир тизимидаги опиятлар марказий асаб тизимининг юрак-қон томир марказини суллаштиради. Қон томирлари кенгайди, қон босими кескин пасади, юрак тезлиги секинлашади. Юрак ёмон ишлайди, ички аъзолар ксилороддан маҳрум бўлиб, аъзоларда очлик ҳолати юзага келади, шу жумладан, юракнинг ўзи ҳам. Психостимуляторлар юрак-қон томир тизимини рағбатлантиради. Қон босими кўтарилди, юрак уриши тезлашади, қон томирлари спазмга учрайди, терморегуляция жараёналари бузилади, юракка юк қучаяди. Қон томирлари ва юрак хуружи (инфаркт) пайдо бўлиши хавфи ортади. Нафас олиш тизими азият чекади. Опиятлар нафас олиш ва йўтал маркаларига таъсир қилиб, бронхит ва зотилжанд олиб келиши мумкин. Нафас олиш етишмовчилиги ксилород етишмаслиғига олиб келади. Бундай шароитда



биринчидан мия ва юрак мушаклари азобланади. Опиятнинг ҳаддан ташқари миқдори ҳатто нафас олиш фаълиғига олиб келиши мумкин ва нафас олиш тўхтатилишидан ўлимгача ҳам олиб боради. Чекиш воситалари ва аралашмалари, шунингдек, ўсимлик ёки синтетик каннабиноидлар ҳам одамларга зарарли таъсир кўрсатади. Сурункали бронхит тамака чекадиган одамларга қараганда бир неча марта тезроқ ривожланади. Улқада сурункали яллиғланиш – гиёҳвандлар орасида ўлимнинг асосий сабаби бўлган зотилжанд, ўпка саратони ёки сил касаллигининг ривожланишиға олиб келиши мумкин.  
Ошқозон-ичак тракти бузилади. Нейрорефлектор даражадаги тартибга солиш жараёналари пасади, фермент ишлаб чиқарилиши ва меъда шираси секретацияси камаяди, ичак ҳаракати бузилади, бу эса, гастрит ва ошқозон ярасига олиб келади. Овқат яхши ҳазм бўлмайди, бу эса ўз ўрнида диарея ва қабзиятга олиб келади. Гиёҳванд воситалари истеъмол қилувчилар нотўғри овқатланиш ва пархезсизлик туфайли озик-овқатни ҳазм қила олмайди, шунинг учун уларда инсонга керак бўлган фойдали моддалар етишмовчилиги, озғинлик ва носоғлом кўриниш пайдо бўлади.  
Жигар ҳам азият чекади. Вена ичига юбориладиган дорилар катта миқдорда жигар орқали ўтиб, унинг ҳужайраларини қайта тикланишдан маҳрум қилади. У ёмон ишлаб бошлайди. Тана чиқиндилари ва заҳарловчи моддалар орқали янада шикастлана бошлайди. Жигар циррози ривожланиб, ўлимга олиб келиши ҳам мумкин.  
Синтетик гуруҳга кирадиган гиёҳванд моддалари қабул қилиш суяқ тизимига жиддий зарар етказида. Бу моддалар суяқ минерал зичлигини бартараф қилиш ва мўртлашди, тушиб кетиш

эҳтимоли ортади. Гиёҳвандлик туғуруқ қобилиғига жуда салбий таъсир кўрсатади. Яъни гиёҳвандлик воситаларилардан фойдаланиш эркак ва аёлларда фарзанд кўриш имкониятини камайтиради ва баъзан бепушликка олиб келиши ҳам ҳеч гап эмас. Инъекцион гиёҳванд моддалардан фойдаланувчиларда ОИВ ва вирусли гепатит (айниқса гепатит В, гепатит С) юқиш хавфи жуда юқори бўлади.  
Гиёҳвандликнинг олдини олиш учун қуйидагилар зарур: биринчидан, инсонларда ҳаракатларда мустақилликни шакллантириш; иккинчидан, инсонларда гиёҳванд моддаларнинг зарари, улардан фойдаланишнинг катта хавфи ва бунинг қаттиқ жазосидан қочиб бўлмаслиғини англайтиш; учинчидан, доимий гиёҳвандликка қарши назоратни амалга ошириш. Ҳаракатларда мустақиллик муҳим, чунки одамлар гиёҳвандликнинг зарари ҳақида билади, аммо жамият босимига қарши турулмаслиғи мумкин. Гиёҳванд моддаларнинг зарари ҳақидаги билим фақат инсоннинг етарли мустақиллиғи бўлганда ҳаракатларда намоён бўлади. Соғлиғини сақлашга интиладиган, шахсий етуқликка эга ва ҳаётий мақсадлари бўлган ёшлар ўз ҳис-туйғулари билан муваффақиятини кураша олади ва атрофдагилар билан ижобий муносабатлар ўрната олади, шу билан улар ҳаётий қийинчиликларга нисбатан анча барқарор бўлади. Доимий гиёҳвандликка қарши назорат қар ҳандай тасодифий ҳолатларнинг олдини олиш ва зарур чораларни кўриш учун керақдир. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганлар илк босқичда аниқланиши лозим.  
Гиёҳвандлик бу глобал муаммо бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш зарур ва бу муаммо билан қанча кеч фаол шуғуллансак, уни енгиш ва бартараф этиш шунча қийинлашади. Асосий эътибор профилактика ва олдини олиш чораларига қаратилиши лозим. Профилактика ижтимоий ва ижтимоий-психологик боғлиқликнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, бу ижтимоий йўналишдаги, шу билан бирга тиббий чоралар ҳам қўлланилиши мумкин. Бу гиёҳвандликка мойил инсонлар, яъни “хавф гуруҳи”даги одамлар орасида гиёҳвандлик ривожланиш хавфини камайтиради. Ниҳоят, психологик-педагогик чоралар ҳам амалга оширилиши мумкин, улар ёшларнинг шахси ва ёшлар гуруҳларига қаратилган бўлади.  
Наркотик моддалар нафақат соғлиқни, балки инсонлар, оилалар ва жамият тақдирини ҳам бузади. Бу оғир йўл, фалокат ва азобларга олиб келади, шу боис унга қарши биргаликда курашишимиз керак. Ҳар биримиз бу иллатга қарши курашиш учун қадам қўйишимиз мумкин. Соғлом турмуш тарзини қўлаб-қувватлаб, хавф остида бўлганларга ёрдам бериб ва гиёҳвандликка “Йўқ!”, дейишимиз лозимдир. Фақат умумий саъй-ҳаракатларимиз орқали соғлиғимизни ва жамиятнинг келажагини ҳимоя қила оламиз.  
**Рушана ИСМАИЛОВА,**  
Тошкент Кимё халқаро университети талабаси.

# АМИР ТЕМУР

## САМАРҚАНД УЧУН ҚАЙСИ БУЮК ШАҲАРЛАРНИ "ҚИШЛОҚҚА АЙЛАНТИРГАН"?

Амир Темур Самарқанд атрофида бир-бирдан гўзал - Дамашқ, Миср, Бағдод, Султония ва Шероз каби қишлоқлар барпо этди. Бу қурилишлар тагида катта стратегик мақсадлар мавжуд эди.



Ҳозирда Сурия Республикасининг пойтахти бўлган, беш минг йиллик тарихга эга Дамашқ, инсоният тамаддунининг илк маконларидан бири ҳисобланган Миср, Ироқ Республикасининг пойтахти Бағдод, бугунги Эрон ҳудудидаги Султония ва Шероз шаҳарлари Сохибқирон ҳукмронлик қилган даврда ҳам дунёнинг энг нуфузли шаҳарларидан эди. Сохибқирон айнан мамлакат пойтахти Самарқанд атрофида шундай гўзал қишлоқлар қуриб, уларга нисбатан Самарқанд шаҳрининг тутган мавқеи қандайлигини яна бир бор кўрсатди. Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталлиги, гўзаллиги ҳамда теварак атрофининг ободлиги жиҳатидан дунёнинг энг йирик шаҳарларидан ҳам устун туриши лозим эди. Шунинг учун Самарқанд шаҳар, қолганлари эса унинг атрофидаги қишлоқларга айланди.

Амир Темур томонидан Самарқанд яқинида бунёд этилган Дамашқ қишлоғи манбаларда Димишқ, Димашқ номлари билан тилга олинади. XIV аср охирида асос солинган мазкур қишлоқнинг ўрни ҳозирги Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани ҳудудида бўлган. Дамашқ қишлоғида Темур сўфий шайхлар учун хонақоҳ қурдирган. Манбаларнинг маълумот беришича, 1392 йилда Сохибқироннинг хотинлари

шу қишлоқда тўхтаб ўтган. Суриянинг Дамашқ шаҳрида туғилган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ (1388-1450) ўзининг "Темур тарихида тақдир ажойиботлари" номи асариде Самарқанд атрофидаги Дамашқ ва Шарқ шаҳарлари номлари билан аталган бошқа қишлоқлар ҳақида хикоя қилади. Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: "Мен Ғарб томондан Темур бино қилган ва Самарқанд деворларининг ҳақида Димашқ, деб аталган бир қасабани кўрдим. Ушбу қасабанинг масофаси Самарқанддан тахминан ярим кунлик (йўл)дир". Дамашқ қишлоғи тарихи Темурнинг невараси Улугбек (1394-1449) номи билан ҳам боғлиқ, 1449 йилнинг кузида бу ерда Улугбек ва унинг ўғли Абдуллатиф ўртасида бўлиб ўтган жанг отанинг ўғилга мағлубияти билан тугайди. Енгилган ҳукмдор ўз пойтахти Самарқанд томон йўл олади. Бирок Самарқандда ҳоким этиб қолдирилган Мироншоҳ қавчин хиёнат йўлига ўтади. Улугбекни шаҳарга киритмай, дарвозаларни беркитиб қўйишга буйруқ беради.

Самарқанд жанубидаги Миср қишлоғи ҳам Темур бунёд этган обод манзиллардан бири. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, Миср қишлоғи Сохибқирон томонидан Қоҳира (Миср) шаҳри шарофига шундай номланган. Миср қишлоғи

яқинида Темурнинг "Давлатобод" номи боғи жойлашган. 1404 йилда Сохибқироннинг Самарқанддаги саройига йўл олган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо шу қишлоқдан ўтган. Миср қишлоғига тугаш бу боғда тўхтаган испанлар бир неча кун қишлоқ ва боғни кузатиш имконига эга бўлганлар. Улугбек расадхонаси ўрнини аниқлаган ва бу ерда қазима ишларини олиб борган археолог Василий Вяткин (1869-1932) изланишларидан Миср қишлоғи Самарқанд шаҳридан жанубда, Дарғом каналнинг чап қирғоғи яқинида, Аббос ва Қораунас этагида ястаниб ўтган тўғри тўртбурчак шаклидаги катта қадимги манзил ўрни сифатида мавжуд бўлганини билмаз.

Темурийзодалар тақдирдаги Шероз қишлоғи ҳам Самарқанд шаҳри чеккасидаги Сохибқирон бунёдкорлиги махсули. Ушбу қишлоқнинг қадимги ўрни ҳозирги Самарқанд вилоятининг Булунгур тумани ҳудудида бўлган. У ҳам Темур томонидан XIV аср охирида бунёд эттирилган. Амир Темур вафотидан сўнг, Сохибқирон қолдирган валиҳдани тан олмасдан, Темур тахтини эгаллашга киришган Халил Султон 1405 йилнинг мартада пойтахт Самарқанд томон йўл олади. Шероз қишлоғи яқинида этиб қолганида аъёнлар Сохибқирон

васиятини бузиб, уни иззат-икром билан кутиб оладилар ва Зарафшон бўйида амир Аргуншоҳ унга шаҳар калити билан Темур хазиналарининг калитларини ҳам топширади. Тарихнинг гардиши билан султон тахтининг қўлдан кетиши ҳам айни шу қишлоқ номи билан боғлиқ.

Сохибқирон саркардаларидан бири, Халил Султоннинг отабеги (мураббийи) Амир Худойдод Хусайний Хўжанд сувидан ўтиб, 1409 йил 30 марта Шероз қишлоғида Халил Султон билан жанг қилади. Темурнинг неварасини енгади ва уни асирликка олади. Шундан сўнг у Самарқандни забт этади. Мирзо Халил номидан ҳукмлар битиб, эълон қила бошлайди ва Мовароуннахрни эгаллаб олади. Бундан ташқари, 1451 йил 10 июнда Шероз қишлоғи яқинида темурий Абу Саид ва Мовароуннахр тахтига ўтирган темурийзода Мирзо Абдулла ўртасида жанг бўлади. Мирзо Абдулла мағлуб этилиб, Абу Саид буйруғига қўра ўлдирилади. Шундай қилиб, Шероз қишлоғи яқинидаги жанг натижасида Абу Саиднинг 1451-1489 йиллардаги ҳукмронлиги бошланади.

Гулинор АЛЛАЁРОВА,  
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 2-сон техникуми тарих фани ўқитувчиси.

### Тотув турмуш сирлари

Баъзан гувоҳ бўламлики, аввал-бошда ўз ихтиёри билан, қўриб-билиб, ёқтириб турмуш қурган, бир неча йил бинойидек яшаган эркак бугунга келиб, "Аёлим менга ёқмай қолди, уни ёмон қўраман", дея ажрашишни истайди. Нега бундай бўлди, деб ўйлайсиз? Нега уйланаётганида шу қиз-аёлни умр йўлдоши сифатида тасаввур қилолган, бир неча йиллар чиройли яшаган, фарзандлар дунёга келган-у, бугун эр аёли билан бирга яшашни истамай қоляпти?

### "ҚИЙШИҚ ҚОВУРҒА"НГИЗНИ ТЎҒИРЛАШГА УРИНМАН!

Тан олишимиз керакки, аёлларнинг ҳар тарафлама мукамал бўлишлари жуда мушкул. Ҳар бирининг ўзига яраша феъл, инжиқлиги, нозик тарафлари бор. Заифлик, беқарорлик, хато қилишлик ҳам уларга хос эканини унутмаслик керак. Бир аёлнинг хусни гўзал бўлса, иккинчисининг ахлоқи чиройли, учинчисининг ахлоқи ўртача-ю, аммо пазанда, рўзгор ишларига уқуви баланд бўлиши мумкин. Мана шуларни ўйламай, баъзи эркаклар аёлининг бир-икки камчиликларини, хатоларини бўрттириб, унга зулм қилишгача боришади. Динимиз бунга таъқиқлайди. "Набий соллалоху алайҳи васаллам айтди: "Мўмин мўминнага (эр хотинига) ғазаб қилмасин, агар унинг бир хулқини ёқтирмаса, бошқасини ёқтиради" (Имом Муслим ривояти).

Зотан, аёл унга омонат қилиб берилган. Оила қуришда, эркак уни асраши, аёли билан муносабатда эҳтиёткор бўлиши, мурося йўлини танлаши мақсадга мувофиқ. Муқаддас китобларимизда айтилишича, қиёматда эркаклар бировининг ҳаққига эга чиққан, ғийбат қилган, зулм қилган инсонлар ҳаққини сўраб қелишигидан қўрқиб, хавотирланиб, атрофига қараб турган бир вақтда ёнида бир киши: "бу ёққа қаранг", дейди. Қараса, хотини даъвогар бўлиб туради. Уша пайтда аёл уни кечирмайди, ўтинчларига парво қилмайди ва ҳаққини мукамал қилиб, савоблардан қилган зулми миқдорича тўлдириб олади...

Биз зулм деганда, кўчадаги зўравонликларни кўз олдимизга келтирамиз. Аниқроғи, эркак қўшчада бир кишига зулм қилса, билади. Лекин хотинига қилаётган зулмлари унинг ўзига сезилмайди. Аксарият эркаклар, хотининг қандай муомала қилсам ҳам чидаши керак, деб ўйлайди. Унинг ундан рози бўлмаслиги уни ўйлангирмайди ҳам. Аммо охирада, ҳисоб-китоб кунинда

рафиқаси унда қолган заррача ҳаққидан воз кечмайди.

Аёл - ширин сўз, эътибор, меҳр-муҳаббатга муҳтож ва бунга лойиқ. Уларни сидқидилдан қилган юмушлари учун мақташ, рағбатлантириш, кўнглига қараш унутмаслик керак. Бир аёлнинг ҳар қандай фикри аёлга босиқлик билан, мулоҳимлик билан тушунириш мумкин. Тўғри, аёлнинг тушуниши осон бўлмаслиги мумкин. Турфа феълли аёллар бор. Аёлларнинг инжиқликлари, фаросати, тарбиясини муҳокама-мунозара қилишдан қўра, уларга яхшилик йўли билан тарбия-таълим бермоқ афзал. Эркак сабрли бўлса, ҳаммасини удаллаш мумкин. Аёл ҳам вақти келиб тушунади, эрининг меҳри, муҳаббатининг қадрини хис этади.

Шу ўринда бир эркакнинг сўзини келтириб ўтгим келди. У яхшигина обур-эътиборга эга инсон эди, мол-давлати ҳам ўзига етарли. Бир кун уни йўқлаб бориб, дарвозаси олдида туриб, ичкарида аёл кишининг бақир-чақирини эшитдим. Уйдан узоқлашдим. Кейинчалик унга бир дўстимиз шундай бадфеъл аёл билан яшашга мажбурмисан, ажраш, бошқасига ўйлан, дея маслаҳат берди. Аммо у кишининг жавоби барчани ҳайратлантирди. "Аёл эркак учун ё жаннат, ё жаҳаннамдир. Мен унга тоқат қилишим мумкин, лекин бошқаси чидай олмаслиги, унга зарар бериши мумкин. Шу маънода аёлим - менинг жаннатим", деди у...

Қанийди, ҳамма эркаклар шу дўстимиз каби кенг қалбли, бардошли, мулоҳазали, тоқатли бўлса! Оилалар арзимас сабаблар билан пароканда бўлмаган, гўлдек фарзандлар тирик етим бўлмаган бўларди...

Яхёҳон БАДРИДДИНОВ,  
Норин туманидаги "Бадриддин ҳожи" жомеъ масжиди имом-хатиби.

### Эълонлар

### БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги "Бинафша", "Обихаёт", "Меҳржон", "Нанай", "Заркент", "Норин" ҳамда "Соҳил" болалар соғломлаштириш оромгоҳлари буюртмачилигидаги кўйидаги объектларга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашларга иштирокчиларни тақлиф этади:

**1. Объект номи:** "Наманган вилояти Поп тумани, Боён МФЙ, Боён 1 кўчаси, 423-уйдаги "Бинафша" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **120 000 000 сўм.**

**2. Объект номи:** "Наманган вилояти Чуст тумани, Оғасарой МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 9-уйдаги "Обихаёт" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **220 000 000 сўм.**

**3. Объект номи:** "Наманган вилояти Чуст тумани, Юқори МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 63-уйда жойлашган "Меҳржон" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **120 000 000 сўм.**

**4. Объект номи:** "Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани, Олмазор МФЙ, Муборак кўчаси, 37-уйда жойлашган "Нанай" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **250 000 000 сўм.**

**5. Объект номи:** "Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани, Ғазнон МФЙ, Ғазнон кўчаси, 260-уйда жойлашган "Заркент" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **120 000 000 сўм.**

**6. Объект номи:** "Наманган вилояти Норин тумани, Яшик МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 38-уйда жойлашган "Норин" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **160 000 000 сўм.**

**7. Объект номи:** "Наманган вилояти Косонсой тумани, Олмазор МФЙ, Нуроний кўчаси, 41-уйда жойлашган "Соҳил" болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан - **160 000 000 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархлари, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг ўзгарди. Ишларни тугаллаш муддати - **30 кун.**

Харид тури - **очиқ танлаш.**

**Танлаш иштирокчиларига кўйидаги талаблар қўйилади:**

- доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган);

- ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

- бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши.

**Кўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:**

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арасида турганлар;

- мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар, буюртмачилар - Муассаса шаклидаги "Бинафша", "Обихаёт", "Меҳржон", "Нанай", "Заркент", "Норин" ҳамда "Соҳил" болалар соғломлаштириш оромгоҳларига расмий равишда кўйида кўрсатилган телефон рақамлари орқали мурожаат этишлари мумкин:

**Мурожаат учун телефон "Бинафша" бўйича:**

+998 99 111-68-03.

**Мурожаат учун телефон "Обихаёт" бўйича:**

+998 99 935-59-95.

**Мурожаат учун телефон "Меҳржон" бўйича:**

+998 99 301-89-17.

**Мурожаат учун телефон "Нанай" бўйича:**

+998 93 239-12-34.

**Мурожаат учун телефон "Заркент" бўйича:**

+998 94 302-00-52.

**Мурожаат учун телефон "Норин" бўйича:**

+998 95 429-51-57.

**Мурожаат учун телефон "Соҳил" бўйича:**

+998 94 905-83-30.

Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг, танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади.

Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун тақлифномалар жўнатади.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманомга ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилди.

**Тақлифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.**

Тақлифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга тақлифнома жўнатишдан кўндал бошлаб, камида беш иш кунинан сўнг ўтказилади.



### Илм нури ила келажакни бунёд этаётган устоз

(боши 1-саҳифада)

Дилноза Шарипова бугунги кунда ҳам ўз устида тинимсиз ишлашда давом этиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш йўлида фидоийлик билан меҳнат қилиб келмоқда. У ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор қаратиб, истеъдодларини юзага чиқаришга қўмақлашади.

Айниқса, ўқувчиларнинг ижодкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаши, уларни мустақил фикрлашга ундаши билан ажралиб туради. Унинг шоғирдлари орасида бугун жамиятда ўз ўрнини топган,

юрт равнақи ва Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилаётган ёшлар талайгина.

– Кўплаб шоғирдларининг китоблари чоп этилган, улар бугун жамиятда ўз ўрнини топиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келишмоқда. Ҳар бир соҳада ўқувчиларим фаол бўлиб ишлаб келмоқдалар. Бу менинг энг катта бахтим, – дейди устоз Дилноза Шарипова.

Дарҳақиқат, бундай фидоий устозлар бор экан, келажакимиз порлоқ, эртаимиз мустақам пойдевор устига қурилиши шубҳасиз.

Асадбек ЮСУФ

### Qishloq hayoti

#### MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleks tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir: Chori LATIPOV

#### Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi - 144.

Buyurtma G-217. 1910 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Mapk YUSUPOV.

#### Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy. Telefon: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar - (998 90) 317-19-16.

E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7031



Bosishga topshirish vaqti: 21.00 Bosishga topshirildi: 19.00